

Қумқўрғон сардоси

Ватан,
эл
манфаати
муқаддасдур!

Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг нашри

10 Октябрь 2020 йил. № 28 (3216)-сон

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Газета 1978 йилдан чиқа бошлаган

Ўқитувлар ва мураббийлар куни байрам арафасида туман ҳокимлигида таълим муассасаларининг илгор ўқитувчилари тақдирландилар.

Тумандаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатиб, юқори натижаларга эришган 6 нафар ўқитувчиларга "Халқ таълим аълочиси" кўкрак нишони топширилди.

Туман ҳокими Р. Гаппаров сўзга чиқиб, барча ўқитувчиларни байрам билан кутлади. Инсон тафаккурининг куввати ва кенглиги, аввало, муаллим тарбиясига боғлиқ, сизларнинг машаққатли, айна вақтда олижаноб фаолиятингиз юксак эътирофга муносиб десак, адашмаган бўламыз, дея туман ҳокими таъкид-

ЎҚИТУВЧИЛАР ТУМАН ҲОКИМИ ЭЪТИБОРИДА



лаб ўтди.

Байрам тадбирида таълим жараёнларига муносиб ҳисса

кўшган, ўқувчилари олий таълим даргоҳига кириб, талаба бўлган, фан олимпиа-

даларида юқори ўринларни эгаллаган мураббийлар алоҳида тақдирланди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори асосида барча сектор раҳбарлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказиши белгилаб қўйилган.

Катта кўл маҳалласида сайёр қабул



Бугун туманимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг деган эзгу ғояни ҳаётга тадбиқ этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жойларда туман ҳокими томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар шулар жумласидандир. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокими Р. Гаппаров "Катта кўл" маҳалласида аҳоли билан сайёр қабул ўтказди. Қабулда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирок этишди. -Кўп вақтдан буён "Кўганли" маҳалласи худудидан ақлли бекат қуришни режалаштириб юрган эдим. Бугун туман ҳокимининг сайёр қабули ўтказилишини эшитиб қабулга келдим. Қилган мурожаатим асосида туман ҳокими ер ажратилиши бўйича амалий ёрдам беришини айтди. Тадбиркорликни ривожлантиришда қилган бундай

эътибордан кўнглим кўтарилди. Маҳалламизнинг ривожланишида оз бўлсада ўз ҳиссамни қўшаётганимдан кўнглимда ўзгача ифтихор пайдо бўлди. - дейди Ҳасанов Абдимурод.



- Маҳалламиздаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар сизими кўплигидан навбат билан ўқишга қийинчилик туғилаётган эди. Бугунги

қилган мурожаатим бўйича туман ҳокими Р.Гаппаров ва сектор раҳбарлари мактаб биносини бориб ўрганишди. Ўқувчиларнинг бекам-у кўст таълим олишлари учун қўшимча бино қурилишида ёрдам кўрсатишларини айтишди, дейди – О. Абдурахмонов. Сайёр қабул давомида фуқароларнинг ижтимоий ёрдам, электр таъминоти, газ, ички йўллар каби масалалар бўйича мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг қарийб 30 фоизи жойида ҳал этилди. Муддат талаб этилувчи муаммоларнинг баргараф этилиши юзасидан туманнинг тегишли мутасадди ташкилот ва идораларига топшириқлар бе-

рилди. Сайёр қабулда тушган мурожаатларнинг ижроси туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

Р. МЕНГЗИЯЕВА

Туманимиз йил якунига "сарик" худудга айланади

Муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида жорий йилнинг 24 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида туман ва шаҳарларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра, Қумқўрғон тумани ҳам "қониқарсиз" деб баҳоланиб, "қизил" тоифага киритилган эди.

си депутатлари Ҳазратқул Хўжамқулов, Ойбарчин Абдуллаева ҳамда вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари, Оммавий ахборот воситалари, блогерлар ишти-



Қумқўрғон туманини "қониқарсиз" худуд тоифасидан чиқариш учун қандай чоралар белгиланган?

Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг 6 чақириқ 15 сессиясида сектор раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлар юзасидан аҳолига мурожаат қилиб, мавжуд кам-

чиликларни бартараф этишга қаратилган вазифалар бўйича дастурий режаларини тақдим этишди. Сессияда сўзга чиққан туман ҳокими Р. Гаппаров худуднинг "қониқарсиз", деб баҳоланишига сабаб бўлган омилларни атрофлича таҳлил қилиб берди. Мавжуд камчиликларни йил якунигача тузатиш



юзасидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор имкониятлар мавжудлигини қайд этди. Туманни ривожлантириб, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш учун туманда етарли имкониятлар борлигини маълум қилди. Сессияда Олий Мажлис сенати аъзолари, Олий Мажлис қонунчилик палата-

рок этишди. Сессия якунида сектор раҳбарлари оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлар томонидан берилган саволларга жавоб беришди. Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Райҳон МЕНГЗИЯЕВА

Болалар кўзимизнинг қувончи, хонадонимизнинг фойзи ҳисобланади. Болага меҳр-муҳаббати йўқ инсон бўлмаса керак. Фарзандларимизнинг бирон жойига лат етса озор чекамиз. Имкон қадар кўз олдимиздан қочирмасликка ҳаракат қиламиз.

Болаларнинг ҳаётига завоқ бўлманг!

Бироқ турли сабабларга кўра туманда болалар билан боғлиқ сувга чўкиб кетиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Тумандаги "Сурхон соҳили" маҳалласида истиқомат қилувчи 2013 йилда туғилган Р.Д яшаш уйи ҳовлисида жойлашган ҳовузга эҳтиётсизлик оқибатида тушиб кетиб чўкиб вафот этган. Шу кунгача оқ ювиб, оқ тараб

фарзандини катта қилган онаизор қандай аҳволга тушганини ўйлаб кўринг. Азиз ота-оналар фарзандларингизни қаровсиз қолдирманг. Доим назоратда тuting. Юрагингизнинг бир парчасининг узилишига йўл қўймаслик ўз қўлингиздадир.

К. Бобоев
туман прокуратураси
терговчиси



Туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари фермер хўжалиги далаларида бўлишиб, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун далаларда яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ



Пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, те-

римчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш бугунги

КОРОНАВИРУСГА ГУМОНЛАНГАН КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАЙДИГАН ТАҚСИМЛАШ МАРКАЗИ ИШГА ТУШАДИ

Туман марказида жойлашган Болалар-ўсмирлар спорт мактабида корона-вирусга гумонланган беморларни тақсимлаш ва даволаш учун 96 та захира ўринлар ҳозирланмоқда. Туман ҳокими Р.Гаппаров, сектор раҳбарлари биргаликда мазкур марказдаги тайёргарлик жараёнлари билан яқиндан танишди. Амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман ҳокими масъулларга керакли топшириқ ва кўрсатмаларни берди. Мажмуа барча зарурий шароитлар, тиббиёт жиҳозлари ва ускуналар билан таъминланиб, тиббиёт соҳаси мутахассислари жалб этилади.

